Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Куч — адолатда

2011 йил,
25 август,
пайшанба
№ 34 (340)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон — **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович — Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Фарманов Александр Касимович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори

Қосимов Хасанбой Хатамович — «GM O`zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 23 август

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович

Фарманов Александр Касимович



Қосимов Хасанбой Хатамович

Ватанимиз мустақиллиги халқимизнинг кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритган улкан тарихий ютуғидир. Ана шу неъмат туфайли Ватанимиз ўз тараққиёт йўлига, жаҳон айвонида ўз ўрнига эга бўлди.

Тарих учун ғоят қисқа бўлган йигирма йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб юборди. Бу мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз раҳнамолигида қабул қилинган миллий тараққиёт стратегияси, ҳақиқатан ҳам, оқилона йўл эканининг амалдаги исботидир.

Истиқлолнинг шукуҳли йиллари

бу даврда ҳар бир жабҳада улкан ютуқлар қўлга киритилганига барчамиз бирдай гувоҳмиз

Мустақил тараққиёт йўлимизнинг йигирма йили мобайнида эришган асрларга менгзагулик муваффақиятларимиз, аниқ мақсад билан, изчил олиб борилаётган, пухта ўйланган ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш ва жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилган узоқни кўзловчи сиёсатнинг ижобий натижалари жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлаётгани ҳам шундан далолатдир.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари, деган тамойилга асосланган демократик ислоҳотлар марказида инсон омили, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари доимо устувор бўлиб келаётгани, фуқароларимизнинг тинч ва тотув, осойишта турмуш кечиришлари, яратувчилик, бунёдкорлик меҳнати билан эмин-эркин шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб берилаётгани тараққиётимизда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Норхўжаев Надим Қодирович — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси мудири, композитор

Гуломов Нажмиддин — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-оператори

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Аюпов Шавкат Абдуллаевич — ЎзФА Математика ва информацион технологиялар институти директори

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Иброҳимова Малика Маликовна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Йўллиев Шамси Жуманазарович — Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри

Мансурхўжаева Саида Сайдирасуловна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Абдуллаев Етмишбой Қурбонназарович — Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани Остона қишлоқ маданият уйи бадиий раҳбари, бахши

«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»

Мусажонов Фарҳод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Раҳматуллаев Анвар Аброрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

(Давоми иккинчи бетда)

31-august — Qatag`on qurbonlarini yod etish kuni

Аждодлар хотирасини азиз тутган халқнинг келажаги порлоқ бўлади

Тарихдан тўғри ва оқилона сабоқ чиқариш, ўзлигимизни англаш, ўтмишимизнинг аянчли даврларини теран ҳис этиш Истиқлол нечоғлик буюк неъмат эканини англашимизда муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди, эл-юртимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган боболаримизнинг муборак номлари тикланди.

Таъкидлаш керакки, тақдири ўз қўлида бўлмаган, мустамлакачилик зулмига маҳкум этилган халқнинг дарду-ҳасрати тугамайди, авлодлари рўшнолик кўрмайди. Шунинг учун қадим-қадимдан халқлар ўз юрти мустақиллиги учун жон фидо қилган. Бизнинг аждодларимиз ҳам ана шундай фидойи, ватанпарвар, келажак авлодлари учун ёруғ толе яратиш ишқида мардларча ҳаёт кечирган маънавияти юксак, тафаккури теран инсонлар бўлишган. Бугун қад ростлаган неча-неча асрлар тарихидан сўзловчи муҳташам ёдгорликлар, бебаҳо маънавий обидалар, буюк сиймоларнинг мардонавор ҳаёт йўли ҳақидаги ибратли манбалар шундан далолат беради.

1991 йил 1 сентябрда юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган ана шундай фидойи аждодларимизнинг тилаклари ижобат бўлди. Ватанимиз мустақилликка эришди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бугунги фаровон кунларимиз учун жон фидо этган аждодларимиз руҳини эъзозлашга устувор аҳамият берила бошланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2011 йил 20 июль № 06 Тошкент шаҳри

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши шуни кўрсатадики, судлар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишмоқда. Айни пайтда мазкур тоифага оид ишларни кўришда суд амалиётида никоҳнинг тугатилиши, уни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, иқтисодиёт эркинлашуви шароитида эр-хотиннинг мулкий муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар келиб чиқмоқда.

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилганлиги, унда оила давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги тўғрисидаги нормаларнинг мавжудлиги никоҳ-оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Судлар оила тўғрисидаги қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, қонунда назарда тутилган ҳамда оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча чораларни кўришлари лозим.

2. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ, никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бири суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида тугайди.

Эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра, никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.

3. Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган умумий болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлган тақдирда никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида (бундан буён матнда — ФҲДЁ органлари) амалга оширилади, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Валиев Қаҳрамон Каримович — Халқ санъати усталари «Устозода» унитар корхонаси ёғоч ўймакори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Ёкубова Дилдора Муродовна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли рақҳосаси

Қорабоев Саъдулла Ўлмасович — Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Васильев Олег Анатольевич — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Носирова Гулчеҳра Ҳакимовна — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Отемуратов Махсетбай Кеунимжаевич — «Айқулаш жулдузлари» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли раҳбари, хонанда

Ҳамроқулов Ойбек Нуриддинович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Хўжаев Фатхулла Убайевич — Республика қўғирчоқ театри актёри

Хусанова Хосиятхон Эргашевна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Қодирова Мурувватхон Ғаппоровна — Андижон вилояти ёшлар театри актёри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

Жумабоев Саттор Ахбутаевич — Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси

Курбонов Баҳром Тўхтаевич — Р.Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори

Ҳасанов Аҳаджон Аҳмеджонович — Тошкент ислом университетининг диншунослик ва жаҳон динлари кафедраси профессори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Абдухолиқов Фирдавс Фридунович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси

Асқарова Муаттар Асқаровна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Даулетмуратов Каримбай Толибаевич — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Жўраев Равшан Эргашевич — «Ўзрепорт» ахборот агентлиги директори

Мўминов Асрорбек — «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири

Қутбиддинов Абдували Абдумўминович — «Халқ сўзи» газетаси шарҳловчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Аибатов Ирзамурат Маткеримович — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри бош режиссёри

Жўраев Маматқул — ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири

Эргашева Жамила Жовлиевна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Мажидов Абдурашид Мавлонович — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти етакчи муҳаррири

Мирзаева Муборак Ғайратовна — «Сабо» миллий рақс ансамбли бадиий раҳбари

Нурматов Мусо Ҳамидович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси етакчи мутахассиси, бастакор

Рустамова Дилдора Насриевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали диктори

Файзиева Гулчеҳра Содиковна — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси санъат бўлими мудири

Ҳайитов Тўлқин Мингбоевич — «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири

Хушвақтов Эркин Болтаевич — Ўзбек миллий академик драма театри бош режиссёр ёрдамчиси, драматург

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Аҳмедова Нилуфар Жалиловна — Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-марказий клиник шифохонаси бош шифокори

Дягилев Валерий Анатольевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали токсикология ва гемодиализ бўлими мудири

Шарипова Мадина Каримовна — Республика «Она ва бола» скрининг маркази директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Евстафеев Алексей Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар миллий терма жамоаси бош мураббийи

Штурбабин Андрей Анатольевич — Яккама-якка кураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Қосимжонов Рустам Машрукович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тарасова Юлия Александровна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Тўйчиев Владимир Мануэльевич — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Чориев Дилшод Қобилмуҳамадович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Мўминова Дурнисахон Комилжоновна — Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» директори

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна — Академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси яккахон хонандаси

Раззоқова Муяссар Қодировна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Абдуллаева Яйра Умаровна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Бойхонова Зулайҳо Мамажоновна — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри артисти

Иброҳимова Рихсихон Исмоиловна — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Искандаров Эргаш Рўзиқулович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё вилоят филиали бош шифокори

Обиджонов Анваржон (Анвар Обиджон) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Саъдуллаев Шомансур Шоҳсаидович — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти директори

Саидқосимов Пўлат — Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Арқаев Иноят Каримович — Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти мудири

Асетова Сарбике Алеуовна — Қорақалпоғистон Республикаси, Қанликўл туманидаги 4-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

Акилов Фарҳод Атауллаевич — Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори

Бобоев Тўлқин Арифович — ЎзФА Биокимё институти етакчи илмий ходими

Иброҳимов Шуҳратжон Икромжонович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар муҳарририяти масъул эфирга узатувчиси

Икрамов Алишер Каримович — Бадиий жамоалар ижодий бирлашмасининг Миллий эстрада оркестри бадиий раҳбари

Исабоев Зикрилла — ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти катта илмий ходими

Исмоилова Коммуна — Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент маданият коллежи ўқитувчиси

Йўлдошев Орифжон Йўлдош ўғли — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Комилов Эркинбой — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Кўчимова Дилором Ғаниевна — Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Мирзаев Саъдулла Зиёдович — Самарқанд давлат университети профессори

Мусаев Аҳмаджон Расулевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар миллий терма жамоаси катта мураббийи

Норматов Умарали — Ўзбекистон Миллий университети жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори

Нурбоев Нуриддин Эргашевич — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Содиқов Марат — Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

Султонов Искандар Алмасович — Самарқанд вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри

Тоғаева Садаф Ҳасановна — Навоий вилояти, Конимех туманидаги «Чордара» қишлоқ врачлик пункти мудири

Умарбеков Жавлат Юсупович (Жавлон Умарбеков) — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, маҳобатли рангтасвирчи рассом

Ҳотамов Одилқул — Навоий вилояти, «Кармана овози» газетаси масъул котиби

Хўжамбердиев Мамаюсуф Бозорович — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 81-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Шермуҳамедов Ғиёс Тоҳирович — Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, режиссёр

Эшқобилов Холиқул Қаршиевич — Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш кафедраси доценти

Юсупова Дилором Юнусовна — ЎзФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

Қамаров Тожиддин — Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот гуруҳи раҳбари, журналист

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Тўхтаназарова Гулнора Маҳмаджоновна — Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абулқосимова Зухра Пирназаровна — Республика жисмоний даволаш диспансерининг врач-терапевти

Абуносова Розия Тўраевна — Бухоро вилояти, Пешку туманидаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика бўйича бош мураббийи

Алиев Маҳмуджон Муслимович — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси кафедраси профессори

Алимова Холида Рауфовна — Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Бутко Ирина Анатольевна — Навоий шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гимнастика бўйича мураббийи

Ғозиев Нуриддин Руҳиддинович — Наманган давлат университети жисмоний тарбия ва маданият факультети декани ўринбосари

Жўрабоева Фотима Шуҳратовна — Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Тантана» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

Зиёмуҳамедова Зухра Шуҳратовна — Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Тантана» ашула ва рақс ансамбли балетмейстери

Қобилов Тошмурод Чориевич — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими директори

Рафиқова Ҳакима Абдувосиевна — Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг катта илмий ходими

Қорачаева Минавар Абдуназаровна — Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги «Қақир» қишлоқ врачлик пункти мудири

«Дўстлик» ордени билан

Абрамов Вадим Карленович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

Авездурдиев Орун Қурбонович — Тошкент шаҳар туркман миллий маданий маркази раиси

Акрамов Акмал Маҳмудович — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири

Алиева Жамила Фатхуллаевна — Зангиота тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи директори

Асланова Елена Юрьевна — Самарқанд шаҳридаги 4-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг катта мураббийи

Бобониёзов Азимбой Йўлдошевич — Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири

Баймурзина Раиса Абдулхаевна — Тошкент шаҳридаги татар ва бошқирд «Дўстлик» бадиий жамоаси бадиий раҳбари

Жалилова Клара Алимадатовна — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, пенсионер

Ишов Жўрақул Очилович — Навоий вилоят телерадиокомпанияси режиссёри

Қосимов Собиржон Олимович — «Усто» уюшмаси таркибидаги «Илҳом париси» масъулияти чекланган жамияти нақкош устаси

Матчанов Матяқуб Саъдуллаевич — Ўзбек давлат драма театри актёри

Орипова Нодира Камоловна — Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом

Пешерова Ольга Петровна — Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Раҳматуллаев Марат Алимович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси бўлим мудири

Раҳмонов Журъат Собирович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

Реутова Марина Аркадьевна — ЎзФА Самарқанд бўлимининг Археология институти лабораторияси мудири

Смирнов Виталий Фрильевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар миллий терма жамоасининг катта мураббийи

Султонов Николай Турсунович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри бош рассоми

Улуғов Абдулла Ўзбекович — Ўзбекистон Миллий университети доценти, адабиётшунос

Усмонова Умида Ғафуровна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Перспектив телелойиҳалар студияси катта муҳаррири

Ҳайдаров Тоҳир Расулович — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом-кулол

Ҳамроева Муқаддас Шукуровна — Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-невропатологи

Хромова Галина Алексеевна — Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг электр транспорти кафедраси профессори

Шомаърупов Абдулла Набиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Шарипова Гулчеҳра Тоштемировна — Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Давлат хор капелласи артисти

Шопен Юлиана Юрьевна — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ўқув адабиётлари таҳририяти етакчи муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдуназарова Заҳро Абдинабиевна — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

Абдураҳмонова Саодат Маҳмудовна — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи босма қолип тайёрлаш цехи монтажчиси

Авезова Ҳалима Абдуллаевна — Хоразм вилояти, Хива туманидаги «Беруний» қишлоқ врачлик пункти мудири

Аитова Мардона Бекназаровна — Хоразм вилояти, Урганч олимпия захиралари коллежининг стол тенниси бўйича мураббийи

Айназарова Гулбаҳор Раззоқовна — Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Артиқов Абдуманнон Анварович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази тасвир монтаж гуруҳи бошлиғи

Артиқов Турдали Усмоналиевич — ЎзФА Сейсмология институти лаборатория мудири

Аҳмаджонов Латипжон — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, тўқувчи ҳунарманд

Боймуродова Санобар Ботировна — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири

Баратова Сайёра Раҳматовна — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири

Ғоипов Жамшид Тўлаганович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакор уста

Ғаниев Абдувоҳид Абдулҳакимович — Ёшлар тажриба ижодий «5-студия»си кинооператори

Жанахметов Серижан — Навоий вилояти, Учқудуқ шаҳар «Замондош» маданият саройи хонандаси

Зикиров Қодиржон Юнусович — Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Андижон вилояти филиали Булоқбоши тумани бўйича бош мутахассис-вакили

Исоқулов Тўлқин Ўролович — 1-Республика клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири

Казачкова Татьяна Павловна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китоблар маҳмуаси муқовалаш цехи муқоваловчиси

Комилова Ибодат Ортиқовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг техник хизмат кўрсатиш бошқармаси етакчи муҳандиси

Камолов Турсун Набихўжаевич — «Жиззах ҳақиқати»-«Джизакская правда» газеталари бўлим мудири

Ким Денис Георгиевич — Фарғона вилояти, Қўқон темирйўл касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Киршина Ирина Владимировна — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги 7-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Комилов Остонақул Одилович — Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси бўлим мудири

Кочнев Герасим Игоревич — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Қурбонов Садриддин Самиевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси медиамаркази директори ўринбосари

Маъдиев Довуд Каромович — «Ишонч»-«Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Мажидов Шерали Сирожович — Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Жиззах вилояти филиали Дўстлик тумани бўйича бош мутахассис-вакили

Матқурбонов Махсадбой Камолович — Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Ширинқўғирот қишлоқ клуби мудири

Мирбеков Серик Абдувалиевич — Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Муродова Жамила Эшмирзаевна — Жиззах вилояти, Арнасой тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси

Муродов Баҳодир Бахтиёрович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази информацион кўрсатувларни тайёрлаш, тасвирга олиш ва эфирга узатиш хизмати бошлиғи

Мусажонов Маҳамаджон Зокиржонович — Тошкент автомобиль йўллари институтининг автомобилларнинг техник эксплуатацияси кафедраси профессори

Мўминжонова Фароғат Исмоиловна — Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи фонд бошлиғи

Назаров Тўра Абдуллаевич — Шаҳрисабз тиббиёт коллежи директори

Нурматова Самида Валиевна — Наманган туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири

Облоқулов Ғиёс Ахрорович — Академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси Самарқанд вилоят бўлими хонандаси

Олимова Ҳанифа Ҳалимовна — Наманган вилояти, Чуст туманидаги 2-болалар поликлиникасининг маҳалла ҳамшираси

Пардаева Ойимхол Холиёровна — Термиз ҳайвонот боғи катта илмий ходими

Саидов Комилжон Фозилович — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

Смирнова Татьяна Ивановна — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи техник муҳаррири

Тлеумуратова Бибигул Сарибаевна — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари институти бўлим мудири

Турғунов Дилшоджон Ҳошимович — Фарғона шаҳридаги болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича бош мураббийи

Умаров Бахтиёр Рўзиқулович — Навоий вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Холматова Холида Абдуғофуровна — Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 25-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси

Худойбердиев Абдуҳамид Эгамбердиевич — «Куч – адолатда» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири

Чаканов Аширниёз Бозорбоевич — Жарқўрғон туман «Сурхон гуллари» ашула ва рақс халқ ансамбли бадиий раҳбари

Йўлдошев Баҳодир Темирович — Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Тошкент шаҳар Сергели тумани бўлими раиси

Юсупова Муҳайё Эркиновна — Бухоро вилояти, Олот туманидаги 31-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Юсупова Тўхта Нажимаддиновна — Республика дизайн коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Қўлдошева Салтанат Жумаевна — «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, гиламдўз

Ғаффорова Зиёда Насриевна — Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

4. Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ, никоҳдан ажратиш қуйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича, улар ўртасида вояга етмаган умумий болалар борлигидан қатъий назар, ФҲДЁ органларида амалга оширилади, агар эр-хотиндан бири суд томонидан:

бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Қайд этилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганда ФҲДЁ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабни рад этишга ҳақли эмас. Эр-хотин ўртасида болалар тўғрисида, меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 42-моддаси иккинчи қисми ва 43-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган барча ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш масаласи ФҲДЁ органлари ваколатига таллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин, чунончи, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФҲДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса. Бундай ҳолатлар мавжудлиги ФҲДЁ органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномалари ва ҳ.к.лар билан тасдиқланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, Оила кодексининг 43-моддаси биринчи қисмида белгиланган никоҳдан ФҲДЁ органларида ажратиш тартиби спиртли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши оқибатида муомала лаёқати чекланган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳолларига тадбиқ этилмайди. Бундай шахсларга нисбатан берилган, шунингдек, бундай шахслар томонидан берилган даъволар бўйича никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

6. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, ғарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади.

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан қўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек, хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугатилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан қўзғатилишига тўсқинлик қилмайди.

7. Судларга тушунтирилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, ФПК 241-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, даъвогарнинг хоҳиши бўйича тақдим этилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

жазо муддатидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига таллуқли бўлса) — мазкур шахснинг судлангунга қадар охирги яшаш жойида;

яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан унинг маълум бўлган охирги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари бор-лиги ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг яшаш жойига боришга қийналган ҳолларда эса, даъвогарнинг яшаш жойида;

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан — унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охирги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

8. Бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маълумот бўлмаган шахсга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилинганда, судья даъвогарга фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш тартибини тушунтиради (ФК 33-моддаси).

Шу билан бирга, агар эр ёки хотиндан бири иккинчисини бедарак йўқолган, деб топиш ҳақида ариза беришдан бош тортса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас, суд эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони умумий асосларда кўришга мажбур.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эл фуқаролари билан тузилган, чет эл фуқароларини ўзаро тузилган никоҳдан ажратиш, шунингдек, мазкур шахсларнинг оилавий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар Оила кодексининг 9-моддаси ҳамда VIII-бўлимида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

10. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси ФПК 149, 150-моддалари талабларига жавоб бериши керак. Унда, жумладан, никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилганлиги, никоҳдан болалар борйўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида уларни таъминоти ва тарбияси ҳақида келишувга эришилган-эришилмаганлиги, никоҳдан ажратиш сабаблари никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бошқа талаблар бор-йўқлиги кўрсатилади.

Аризага никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, эр-хотиннинг ойлик маоши ва ўзга даромадлари ҳақидаги, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, даъво талабларини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Фуқаролик процессуал қонунида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли, суд даъвогардан қонунда белгиланмаган ҳужжатларни, жумладан, мазкур низо дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилишга ҳақли эмас.

11. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилгач, судья ҳар бир иш бўйича уни ФПК 16-бобида назарда тутилган тартибда судда кўришга тайёрлаши шарт. Жумладан, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, қоида тариқасида, иккинчи тарафни чақириши, унинг аризага нисбатан муносабатини аниқлаши керак. Шу мақсадларда судья тарафлар билан оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказади. Судья, шунингдек, эр-хотин ўртасида никоҳдан ажратиш даъвоси билан бир вақтда ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа низолар бор-йўқлигини аниқлайди, тарафларга вояга етмаган болалари таъминоти учун буйруқ тартибида алимент ундириш ҳуқуқини тушунтиради, ишнинг кўрилиши учун аҳамиятга молик бошқа масалаларни аниқлайди.

12. Оила кодексининг 44-моддасига мувофиқ, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда эр-хотин судга қуйидаги масалалар юзасидан келишув тақдим этишлари мумкин:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар улардан қайси бири билан яшаши тўғрисида;

вояга етмаган болалар ва(ёки) меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш тўғрисида.

Бундай келишув мавжуд бўлмаган ёки мазкур масалалар юзасидан эр-хотин ўртасида низо бўлган ҳолларда улар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб билан бир вақтда мазмунан кўриб чиқилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда никоҳ шартномасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб ҳам, башарти бундай талаблар ўзаро боғлиқлиги сабабли, кўриб чиқилиши мумкин (ФПК 156-моддаси). Суд мазкур ишда жавобгарнинг никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги қарши даъвосини ҳам кўришга ҳақли (ФПК 247-моддаси).

13. Агар даъво аризасида никоҳдан ажратиш иши билан бир вақтда кўрилиши мумкин бўлмаган талаб қўйилган бўлса (масалан, никоҳ тузилгунга қадар топилган молмулкни олиб бериш, уйга киритиш ва ҳ.к.), бундай даъво алоҳида иш юритишга ажратилади.

14. Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, келмаслик сабаблари узрли ёки узрсизлигидан қатъий назар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра, келмаган тақдирда, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра, келмаган тақдирда, суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли (ФПК 174, 175-моддалари).

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, башарти даъвогар бунга қарши эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин (ФПК 224-моддаси). Бундай ҳолда, фақат суд жавобгарни сўроқ қилмасдан туриб ҳам ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ текширилганлиги ҳақида хулосага келган тақдирдагина никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг суд мажлисига келиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ тарафларни хабардор қилиш чораларини кўради.

15. Судларга тушунтирилсинки, Оила кодексининг 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда, суд Оила кодексининг 40-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, Оила кодексининг 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Эр-хотинга ярашиши учун муддат берилиши муносабати билан ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими тарафларнинг тушунтиришлари тингланган сўнг, зарур ҳолларда эса, бошқа далиллар текширилганидан сўнг чиқарилади.

Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, ярашиш учун берилган муддатни бунга жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муддат тугагунга қадар кўришга ҳақли. Ярашиш учун берилган муддатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Эр-хотин ярашиши учун ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади ва бундай ажрим келгусида ишнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас (ФПК 346, 348[16]-моддалари).

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилиб, эр-хотинга ярашиш учун муддат берилганда, суд Оила кодексининг 112-моддаси ва ФПК 263-моддасига мувофиқ болалар таъминоти учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли.

16. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (Оила кодексининг 41-моддаси).

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра, эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвони рад этади.

17. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво рад этилган тақдирда, мазкур даъво билан бирга берилган бошқа талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилиши лозим (ФПК 157-моддаси).

Агар даъвогар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъводан воз кечса, ишнинг шу қисми иш юритишдан тугатилиши, эр ёки хотиннинг мазкур даъво билан бирга берган бошқа талаблари эса, мазмунан кўрилиши лозим.

18. Судларга тушунтирилсинки, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай даъво янги асосларга кўра, тақдим этилганда, такрорий даъво аризаси мазкур муддатга риоя қилинмасдан берилиши мумкин.

19. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги низони кўришда, судлар бундай низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилиш-қилмаслигини аниқлашлари лозим.

Агар низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилса (масалан, мол-мулк деҳқон (фермер) хўжалиги мулки бўлиб, унинг таркибида эр-хотин ва уларнинг вояга етмаган болаларидан ташқари бошқа аъзолар ҳам бўлса) суд тарафларга уларнинг умумий тартибда алоҳида даъво тақдим этиш ҳуқуқларини тушунтириши лозим, чунки қонун (Оила кодексининг 44-моддаси учинчи қисми) бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш ва молмулкни бўлиш тўғрисидаги талабларни битта иш юритувда ҳал этишга йўл қўймайди. Бу қоида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (АЖ, МЧЖ ва ҳ.к.) устав фонди омонатларига, шунингдек, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари пайларига нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этишга ҳам тадбиқ этилади. Бундай ширкатлар ва жамиятлар мулкини бўлиш масалалари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

Оила кодексининг 44-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоида эр-хотин томонидан банклар ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига қўйилган омонатларни бўлиш ҳолларига (пул маблағлари эр-хотиндан қайси бирининг номига қўйилганлигидан қатъий назар) тадбиқ этилмайди, чунки бундай омонатларни бўлишда банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари ҳуқуқларига дахл этилмайди.

Агар эр ёки хотинга учинчи шахслар пул маблағлари берган ва уни эр ёки хотин ўз номига банк ёки бошқа кредит-молия ташкилотига қўйган бўлса, Фуқаролик кодексининг нормаларига мувофиқ, учинчи шахслар пул суммасини қайтариш тўғрисида (омонатни бўлиш тўғрисида эмас) даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, у алоҳида иш юритувда ҳал этилиши лозим. Деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоси бўлган эр ёки хотинга нисбатан талаблари ҳам шу тартибда ҳал этилиши мумкин.

20. Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ, эр-хотиннинг бўлиниши лозим бўлган биргаликдаги умумий мол-мулки деганда, улар томонидан никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган ва Фуқаролик кодексининг 81, 82, 209-моддаларига кўра, фуқароларнинг мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган кўчар ва кўчмас ҳар қандай мол-мулклар тушунилади, башарти улар ўртасида тузилган никоҳ шартномасида мол-мулкка нисбатан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Судларга тушунтирилсинки, суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, молқдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ш.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозим.

Мулкни бўлишда, шунингдек, эр-хотиннинг умумий қарзлари (Оила кодексининг 28-моддаси учинчи қисми) ва оила манфаатлари йўлида вужудга келган мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи инобатга олинади. Бироқ судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўйни, шунингдек, никоҳ маросимлари билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича қарзлар ва бошқа харажатлар инобатга олинмайди (Оила кодексининг 44-моддаси).

Никоҳни ФҲДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилади.

21. Оила кодексининг 25-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, никоҳга қадар эр ва хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган, шунингдек, улардан бири томонидан никоҳ давомида ҳадя тариқасида, мерос ҳуқуқи бўйича ёки бошқа текин битимлар бўйича олинган мол-мулк унинг ўз мулки ҳисобланади.

Эр-хотин томонидан текин асосларга кўра, олинган, жумладан, тўй совғалари, тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар муносабати билан олинган совғалар, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, биргаликдаги умумий мулк таркибига киради. Агар бу совғалар эр-хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса, улар ўша эр ёки хотиннинг ўз мулки ҳисобланади (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно).

Эр-хотиндан бирига никоҳга киргунга (тўйга) қадар тегишли бўлган мол-мулк, бу буюмлардан никоҳ тузилганидан сўнг фойдаланилганлигидан қатъий назар, биргаликдаги умумий мулк таркибига кирмайди (масалан, мебел, гиламлар, идиш-товоқ ва келин сепини ташкил этувчи бошқа мол-мулк).

Оила кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр-хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган мулк, башарти никоҳ давомида мазкур мулк қийматини анча ошишига олиб келган маблағ қўшилганлиги (капитал таъмирлаш, қўшимча иморат қуриш, янгидан жиҳозлаш ва ҳ.к.) аниқланса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

22. Оила кодексининг 24-моддасига мувофиқ, эр-хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини (эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш) ҳар иккаласининг розилиги бўйича амалга оширилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, агар умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги талабни кўришда эр ёки хотиндан бири иккинчисининг иродасига хилоф тарзда ўз хоҳишига кўра, умумий мулкни бошқага ўтказган ёки оила манфаатига мос бўлмаган тарзда сарфлаган ёхуд мол-мулкни яширган бўлса, бўлиш чоғида ўша молмулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Агар оилавий муносабатлар ва умумий хўжалик юритилиши амалда тугагандан сўнг эр-хотин биргаликда мулк орттиришмаган бўлса, суд Оила кодексининг 27-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, ҳар бир эр ёки хотин томонидан улар алоҳида яшаган даврда топилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг мулки деб топиши ва фақат эр-хотин томонидан умумий хўжалик юритилиши тўхтатилган вақтга қадар топилган мол-мулкни бўлиши мумкин.

23. Судлар эр-хотиннинг умумий мулкини бўлишда шуни назарда тутишлари лозимки, Оила кодексининг 27-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра, вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсалар (кийим-кечак, оёқ кийими, мактаб ва спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), шунингдек, эр-хотин томонидан уларнинг умумий мулки ҳисобидан улар ўртасидаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ҳам эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда ҳисобга олинмайди.

24. Эр-хотиннинг умумий молмулкини бўлишда, судлар Оила кодексининг 28-моддасига риоя этишлари ва, қоида тариқасида, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принципидан келиб чиқишлари лозим.

Агар никоҳ шартномасида биргаликдаги мулкка нисбатан қонунда белгиланган тартиб ўзгартирилган бўлса, суд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда бундай шартнома шартларига риоя этиши лозим. Бунда шуни инобатга олиш керакки, Оила кодексининг 31-моддаси бешинчи қисмига кўра, никоҳ шартномасининг эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай шароитга солиб қўядиган (масалан, эр-хотиндан бирини никоҳ даврида топилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқидан батамом маҳрум этадиган) шартлари мазкур эр ёки хотин талаби бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда, суд айрим ҳолларда Оила кодексининг 28-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаатидан келиб чиқиб, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принципидан чекинишга ҳақли. Эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаати деганда, жумладан, нафақат эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра, даромад олмаган ёки умумий молмулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган ҳоллар, балки эр-хотиндан бири соғлиғи ҳолатига ёки унга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра, меҳнат фаолиятидан даромад олиш имкониятидан маҳрум этилган ҳоллар ҳам тушунилиши лозим. Агар никоҳ шартномасига мувофиқ, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принципидан чекиниш мумкин бўлмаса, унга фақат шартноманинг шу қисми ҳақиқий эмас, деб топилгандагина йўл қўйилади.

Суд ҳал қилув қарорида умумий мулкда эр ва хотин ҳиссалари тенглиги қоидасидан чекиниш сабабларини баён этиши шарт.

25. Эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нимага мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223-моддаси).

26. Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати ҳал қилув қарори чиқариладиган кундаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уйнинг қиймати низоли уй турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулки қиймати юзасидан низо бўлган тақдирда тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.

27. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, 1944 йил 8 июлга қадар никоҳни қайд этмасдан туриб оилавий муносабатларга киришган шахсларнинг молмулкига нисбатан эр-хотин ўртасидаги биргаликдаги мулк тартиби тадбиқ этилади. Бундай молмулкни бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда Оила кодексининг 23-28-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этиш лозим.

28. Оила кодексининг 27-моддаси тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни ФҲДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (ФК 154-моддаси биринчи қисми).

29. Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний, асосли ҳамда суд мажлисида ҳар томонлама текширилган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабаблари, суднинг оилани сақлаб қолиш имконияти борлиги ёки унинг узилкесил барҳам топганлиги тўғрисидаги хулосасига асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган важлар, шунингдек, суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан, биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд хулосаларини;

фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтарида никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);

эр-хотиннинг фамилияларини никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ, (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса, никоҳгача бўлган фамилия ҳам);

эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан, вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);

мол-мулк қиймати — эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.

30. Судларга тушунтирилсинки, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда, суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади (Оила кодексининг 220-моддаси).

31. Никоҳдан ажратишни рад этганда, шунингдек, иш юритиш тугатилган барча ҳолларда, суд даъвогарнинг аризасига кўра, унга никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайтаради.

32. Оила кодексининг 47-моддасига мувофиқ, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Мазкур қоида никоҳ тугатилиши пайти қонунга кўра, суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган пайтдан бошланиши тан олинган (1998 йил 30 апрелдан 2010 йил 15 сентябргача) даврга нисбатан тадбиқ этилмайди.

33. Судларга тушунтирилсинки, Оила кодексининг 50-моддаси биринчи қисмига мувофиқ никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда, судья никоҳнинг ҳақиқийлиги қандай асос бўйича низолашилаётганлигини ва даъвогар Оила кодексининг 51-54-моддаларига кўра, айнан даъво аризасида кўрсатилган асос бўйича никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги масалани қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига кириш-кирмаслигини аниқлаши лозим. Агар аризачи бундай шахслар доирасига кирмаса, судья унинг даъво аризасини қабул қилишни ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан рад этади.

34. Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмайди. Бундай асосларга қуйидагилар киради:

Оила кодексининг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилиши;

сохта никоҳ тузилиши, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирса;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ/ОИТС касаллиги) борлигини иккинчисидан яширса.

Жумладан, агар никоҳни тузиш вақтида шахс ўз ҳаракати моҳиятини тушунмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги натижасида никоҳга киришга нисбатан ўзининг ҳақиқий розилигини бермаганлиги аниқланса, никоҳ Оила кодексининг 14-моддасида назарда тутилган шартлар бузилган, деган асос билан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, сохта никоҳ тузган шахслар иш суд томонидан кўрилгунга қадар амалда оила қурган бўлсалар, бундай никоҳ эр-хотин ҳуқуқларини кўриқлаш мақсадида сохта деб топилиши мумкин эмас.

35. Агар никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво никоҳдан суд таритибида ажратилгандан сўнг берилган бўлса, судья даъво аризасини қабул қилишни ўз судда кўришга тегишли эмаслиги сабабли рад этади (ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1 банди). Бундай даъво фақат никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзуви белгиланган тартибда бекор қилинган ҳолда кўрилиши мумкин.

Агар никоҳдан ФҲДЁ органларида ажратилган бўлиб, кейинчалик никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини бекор қилиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаблар қўйилган бўлса, суд бу талабларни бир вақтнинг ўзида кўриши шарт.

36. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда, судлар оиланинг бузилиши сабабларини аниқлаши ва оила бузилишида айбдор бўлган эр-хотин ва бошқа шахсларнинг номуносиб хулқ-атворларидан далолат берувчи фактларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириши лозим.

37. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва ушбу тоифа ишлар бўйича қонунчиликни қўллашда йўл қўйилган суд хатоларининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўришлари лозим.

38. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил

E`tirof

Истиқлолнинг шукуҳли йиллари

бу даврда ҳар бир жабҳада улкан ютуқлар қўлга киритилганига барчамиз бирдай гувоҳмиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳурриятга эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи 400 дан зиёд қонуннинг ҳаётга жорий этилгани, 70 дан ортиқ халқаро шартномаларнинг Республикамиз томонидан ратификация қилингани ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Энг асосийси, Бош қонунимизда шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизими яратилгани истиқлолнинг халқимизга ҳадя этган энг олий меваси бўлиб, ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, унинг бахт-саодати учун, деган машҳур иборанинг реал ҳаётимиздаги инъикосидир.

Мустақиллик шарофати билан бой тарихимиз, илмий-маданий меросимиз, дину диёнатимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, янгича мазмун-моҳият касб этди. Эндиликда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат-иззат каби чин инсоний фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳамоҳанг тарзда умргузаронлик қилиш ҳаётимизнинг олтин қоидасига айланиб улгурди.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ибратли тарихимизни пухта ўрганиш, қадимий меъморий обида ва ёдгорликларимизни кўз қорачиғидек сақлаш, буюк аждодларимиздан қолган маърифий меросни ўқиб-ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида ҳам истиқлол бизга чексиз имкониятлар яратиб бергани ҳар қанча эътирофга лойиқ, албатта.

Бу муқаддас заминда асрлар мобайнида кўплаб миллат ва элат вакиллари қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб, елкама-елка, аҳил ва иноқ яшаб келмоқда. Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳити истиқлол туфайли янада мустаҳкамланди. Шу боис ҳам, бугунги кунда юртимизда 130 дан ошиқ миллат ва элат вакиллари Ўзбекистонни умумий уй сифатида билиб, бир оила фарзандларидек баҳамжиҳат яшаб, ягона мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда кечаётган барча соҳалардаги ҳаётбахш ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлик, мустақил равишда олиб борилаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш сари ташланаётган дадил қадамлар дўсту ҳамкорларимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Агар айни замонда курраи заминнинг турли пучмоқларида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ғоят ранг-баранглигини — энг йирик ва илғор давлатларнинг ҳам жаҳон бозорида бош чангаллаб, ишсизлик тўлқинидан таҳликага тушиб тургани, сиёсий бўҳронлар гирдобида қолган мамлакатлардаги оддий халқнинг ўта ночор аҳволини кўз олдимизга келтирсак, Ўзбекистон сиёсатининг бўю бастини, нуфузини, умумжаҳон осойишталиги йўлидаги тутган ўрнини тўлароқ ҳис этамиз. Ва албатта, бундан кўнглимизда ҳақли равишда ғурур туйиб, фуқаролик масъулиятини, юрт қисматига дахлдорлик ҳиссини янада чуқурроқ англаймиз.

Албатта, бу фараҳбахш дамларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Йўлимизда учраган ғаразли кучлар, тинч ва осойишта турмушимиз, эркин ва ҳур ҳаётимизга рахна солмоқчи, истиқлолимизга дахл қилмоқчи бўлган ғаламисларга қарши сабр-матонат, вазминлик билан курраш олиб борганимиз, танлаган йўлимиздан ортга қайтмаганимиз, халқимиз иродасининг букилмагани туфайли йигирма йил ичида бугунгидек буюк маррага етиб келдик.

Чунончи, мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаб, қўлга киритган юксак марраларимизни ҳар тарафлама таҳлил этган ҳолда, мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилиб, бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан бораверамиз. Ва албатта, кўзлаган мақсадимиз — ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғвор орзуимизни амалга оширамиз.

Давлатимиз миллий мустақиллигининг навқирон йигирма ёши эса, дастлабки улуғ марра сифатида янги жамият барпо этиш борасидаги асрларга тенг йиллар сифатида тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар ила муҳрланади.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Maslahat

Оилавий мулк

у нималардан иборат?

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкини бўлиш Фуқаролик кодексининг 223 ва 225-моддаларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Зебо МИРЗАЕВА,
Нурота тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

31-avgust — Qatag`on qurbonlarini yod etish kuni

Аждодлар хотирасини азиз тутган халқнинг келажаги порлоқ бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

1999 йил 12 майда давлатимиз раҳбарининг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинди. Бу тарихий Фармойишдан кейин кўп ўтмай, яъни ўша йилнинг 22 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатлар мустамлакачилик жабру жафоларини кўрган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш ишларининг олиб борилишида муҳим дастурламал бўлди.

Шу асосда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 2000 йилда пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибида "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаб келинади.

Ҳозирги кунда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг аввалги якка гумбазли биноси ёнида унинг шарқона услубда қурилган иккинчи кўркам биноси қад ростлаб турибди.

Музей асосий биносининг қурилишида ҳам, 2008 йилдаги қўшимча биносининг қурилишида ҳам давлатимиз раҳбарининг таклиф ва тавсияларига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида иншоот миллий меъморлик, наққошлик ва ўймакорликнинг нодир намунасини ўзида мужассам этди. Қолаверса, экспозициясининг бойлиги, замонавий ускуналар билан таъминлангани туфайли у халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради.

Музей гумбазларининг ички томони Самарқанддаги машҳур Тиллакори мадрасаси гумбазига яқин услубда безатилган. Муҳташам заллардаги стендлар ва экспонатлар ўзаро уйғунлик касб этган.

Айтиш жоизки, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси бугунги кунда халқимизнинг энг севимли қадамжоларидан бирига айланди. Бу ерга ташриф буюрувчиларнинг қадами узилмайди. Нуронийларимиз кўзда ёш билан навқирон даврларида рўй берган оғир фожиаларни, ноҳақ хўрланган, топталган, қатл этилган аждодлари хотираларини ёдга олишади. Ёшларимиз эса мутахассисларга қатор-қатор саволлар беришади. Оғир кунларга тоқат қилиб, ёруғ кунларни кутган отаболаларимизнинг метин иродаси навқирон авлоднинг ҳайрат ва қизиқишини оширади.

Бу мажмуа барпо этилаётганда тарихий ҳақиқатнинг ёркин тимсоли бўлиш билан бирга бахтли келажакнинг ҳам кўпригги бўлиши ният қилинган эди. Бугунги кунда бу табаррук даргоҳда никоҳ либосида сайр қилиб юрган келин-куёвларни кўрганда, бундай орзулар ижобат бўлгандек кўринади. Зеро, ташкил топаётган янги оила илк ҳаётини тарихимизнинг ўзига хос саҳифаларини англаш ва идрок этишдан бошлаш мақсадида бу хиёбонга ташриф буюради. Улар нафақат тарихимизни идрок этишади, балки орзуси ушалмай кетган аждодларимизнинг пок руҳлари олдидаги масъулиятни ҳам эсга олишади.

«Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди ташкил топган вақтдан бери қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, уларга бағишланган мақолалар, китоб ва рисолалар чоп этиш, адабиёт ва санъат асарларини яратиш билан шуғулланиб келмоқда, кўплаб хотира кечалари, суҳбатлар ва маърифат соатлари ўтказилмоқда. Диққатга сазовор томони шундаки, машъум давр қурбонларининг фожиали тақдирини ўрганишда кенг жамоатчилик, музей илмий ходимлари, ёзувчи ва олимлар, журналистлар ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Истиқлол ўз мазмун-моҳияти билан она-заминимизда инсонни азиз ва мукаррам қилди, мартабасини сарбаланд айлади. Унинг ҳаёти, манфаатлари, орзу ва умидларининг ҳамма нарсадан устунлигини таъминлади. Тарихимизнинг силсиласида юрт озодлиги учун жонини тиккан, нурафшон орзуси амалга ошмай, айни кучга тўлган пайтида маҳв этилган аждодларимиз хотираси биз учун ҳамиша азиз ва қадрлидир.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
«Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди бошқаруви раиси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори, тарих фанлари доктори

Бу кўҳна олам яралибдики, одамлар бир-бири билан олди-берди қилади. Кимдир сотади, бошқа биров олади. Ҳали башарият ўзининг энг буюк ихтироларидан бири бўлмиш пулни кашф қилишдан аввал ҳам ўзаро олди-берди бўлган. Кўпчилигимиз яхши биламизки, пул пайдо бўлишидан олдин одамлар турли буюмлардан айирбошлаш воситаси сифатида фойдаланган. Хўш, ўшанда бу олди-бердилар қандай амалга ошган?

G`aroyib olam

Қарз олдингми, қайтар...

ёхуд ўзаро олди-бердининг кўҳна ва антиқа усуллари

Қадимги Грецияда қарз берувчи қарздорга тегишли бўлган ер майдонига махсус тахтача осиб қўяр экан. Тахтачада қарз миқдори ва қайтариш муддати ёзиб қўйилган. Агар қарздор белгиланган муддатда қарзини қайтара олмаса, унинг мулки қарз берувчининг эгалигига ўтган. Энг қизиғи, қарз олди-бердисининг ушбу кўриниши ўшанда «ИПОТЕКА» деб аталган.



Қадимги славян давлатларида деҳқонлар қарз олди-бердисининг бундан ҳам соддароқ йўлини ўйлаб топишган. Маълумки, ўша пайтларда деҳқонлар ўқиш-ёзишни билмаган. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларидан қарз олганларида махсус белгилар қўйиладиган таёқчалардан фойдаланишган. Масалан, қўшнисидан кейинги йил ҳосилига қадар тўрт қоп буғдой қарз олган деҳқон унга тўртта белги қўйилган таёқча берган. Худди шундай таёқчалардан бири эса, унинг ўзида қолган. Хирмон кўтарилгандан кейин улар қўлларидаги таёқчаларга қараб, ҳисоб-китоб қилиб олишган. Албатта, бу ўринда ўзаро ишонч ва бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликка жиддий эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Буни қарангки, айрим кимсалар қадимда ҳам қарзини қайтармасликка ҳаракат қилишган, ҳатто айрим қонунларда ҳам бундай талаблар ўз ифодасини топган. Масалан, XVI асрда Англияда қарз борасида алоҳида қонун бўлган. Ушбу қонунга кўра, агар қарздор қарзни қайтариш муддати ўтиб кетгандан кейин қарз берувчининг уйига кириб олса, унга нисбатан жазо чораси қўлланилмаган. Чунки ўша пайтда Англияда амалда бўлган қонунга кўра, қарз берувчининг уйида яшаётган қарздорни қамоққа олиш мумкин бўлмаган.

Бу борада қадимги Римда ҳам антиқа қонун амал қилган. Хусусан, қарз олди-бердисининг муддати қатъий белгилаб қўйилган, яъни бу муддат 60 кундан ошмаган. Агар 60 кундан ошиб кетса, қарз олувчининг молмулки мусодара қилинган ва унга тегишли унвон, ҳатто исм-шарифи ҳам бекор қилинган. Исмидан жудо бўлиш эса римликлар учун ўта оғир жазо ҳисобланган. Шунинг учун ҳам қадимги Рим фуқаролари ҳамиша бўйинларига махсус қарз дафтарчалари осиб юришган. Ва энг қизиғи, бу қарз дафтарчалари «КАЛЕНДАР» деб юритилган.

Қадимги ҳиндуларда ҳам қарз борасида жуда ғаройиб қонун ишлаб чиқилган. Масалан, қабиладошидан қарз олаётган ҳинду гаров сифатида ўз исм-шарифи ва насабини (!) қолдирган. Қарзини қайтармагунича унга ҳеч ким исмини айтиб мурожаат қилмаган. Ҳатто қабиладошлар қарздор билан ўзаро муомалага киришганда ҳам фақатгина имо-ишоралар ёрдамида сўзлаган. Чунки қарздор билан суҳбатлашиш ҳам қонун билан тақиқлаб қўйилган.

Қарз олди-бердиси борасида қадимги Русда амал қилган қонун бундан ҳам қизиқроқ. Агар қарздор белгиланган муддатда олган қарзини қайтара олмаса, уни қуллар олди-сотдиси учун махсус қурилган майдончага олиб чиқишган. Ва у истиқомат қиладиган шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси жарчининг чақириғига кўра, ўша майдонга тўпланган.

Йўқ, қарздорни қул қилиб сотишмаган. Аксинча, уни бошқалардан ёрдам сўраб бақиришга мажбур қилишган. Қарздор аянчли тарзда қанчалик баланд овоз билан бақирса, йиғилганлар раҳм-шафқат қилиб унга ёрдам кўрсатишган. Ана шунда меҳрибон ҳамюртларининг ёрдами билан у қарзидан қутулиб олган.

Албатта, қарз оди-бердиси бўйича машҳур одамларнинг ҳам ўз қарашлари ва фикрлари бўлган. Ҳикоя қилишларича, дунёга машҳур ёзувчи Александр Дюманинг отаси жуда қўли очиқ ва саҳий одам бўлган. У ким қанча сўрашидан қатъий назар, ҳеч қачон «йўқ» демаган.

Агар сиз «Дюма деганлари жуда бойвачча бўлган экан-да», деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз. Чунки катта Дюма ана шу очиққўллиги боис, бир умр боши қарздан чиқмаган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган экан: «Мен ҳеч қачон ва ҳеч кимга сўраган пулларини беришдан бош тортмаганман. Фақатгина бу рўйхатга мен қарз олган кимсаларни киритиб бўлмайди». Ана энди тушунган чиқарсиз, ёзувчининг отаси ўзгалардан қарз олиб, бошқа бировларга тарқатган...

Ҳа, инсоният ўтмиши турли-туман воқеаларга бой. Чунончи, бугун ҳам кундалик ҳаётда деярли барчамиз дуч келадиган олди-берди, хусусан, қарз муносабатлари неча-неча минг йиллик тарихни босиб ўтдиямки, унинг моҳияти деярли ўзгармаган: олди-берди ҳалол бўлиши, қарздор ваъдасига амал қилмоғи лозим. Буни қарангки, ўз сўзининг устидан чиқмайдиган лафзсиз кимсалар фақат бугун эмас, бундан неча минг йил илгари ҳам субутсизлик билан ўзларининг шаънига доғ тушириган экан... Мухтасар қилиб айтганда, юқоридагилардан битта хулоса чиқади: ваъдага вафо — марднинг иши.

Интернет материаллари асосида Сардорбек ҲАМРОЕВ тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-816. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 7653.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 01⁰⁰